



Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими  
бюджетларининг газна ижроси койдаларига  
8-ИЛОВЛ

19.01.2022 даги

Истикбол электр тармоклари корхонаси ва Янги Наманган тумани ХТБ Марказ ўртасида 177199200,00 сўм  
умумий суммага тузилган 15601124 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб

075

Шахсий газна хисобварак

100022860144017092100075141

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишили коди)			Жами
	4221000			
Январь	77 799 600,00			77 799 600,00
Февраль	59 400 000,00			59 400 000,00
Март	39 999 600,00			39 999 600,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	177 199 200,00			177 199 200,00

Жами 177199200,00 сўм

Бир юз етмиш етти миллион бир юз тўқсон тўққиз минг икки юз  
сўм 00 тийин  
сума сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_ % \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\* ) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбарни



Буюртмачи бўш бухгалтери

Маматалиев Қахрамон Ахмадалиевич

Ф.И.Ш.

(имзо)

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР  
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЙМОЛЧИЛАР  
УЧУН  
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№  
Ониси Наманган  
Тумони ҳалик  
тавассаса.

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун  
ШАРТНОМА**

2022 йил “19 айвари

156 01184-сон

Янги Наманган тумани  
(шартнома тузилган маини)

“Наманган Худудий электр тармоклари корхонаси” акциядорлик жамияти “ишончиома” асосида фаолият юритувчи раҳбари С.Рустамов (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади) битонондан хамда Низом асосида фаолият юритувчи Янги Наманган тумани Халқ таълими бўлими раҳбари Қ.Маматалиев (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), хисоб раками - иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### **I. Шартнома предмети**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол килинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### **II. Етказиб берилган энергияни хисобга олиш**

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 393776 кВт.с. реактив \_\_\_\_\_ кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 177199200 сўмни, тариф(лар) бўйича 450 сўм

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин) ташкил этади ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

### **III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекситон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан таєдикланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари

бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар ярим тигиз пайт – сутканинг ёруг вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг коронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гурухларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гурухи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гурухи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Корхона ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисбот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки поча алоқаси орқали ҳар ойнинг “31” санасигача Корхонага тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлиб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Корхона уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон киласди.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги 1 оидан ортик бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикли тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва Корхона томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргалиқда хисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга ошириллади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хохишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибида Корхонага мурожаат килганилари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан қатъий назар, криpto-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофик тўлайди

3.10. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги хисобот асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш куни ичida тўлов амалга оширилиши лозим бўлган хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини ёзib беради.

Истеъмолчи турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли карорига мувофиқ Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини электрон хисобварак-фактура шакллантириллади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиклаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргалиқда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватига уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми

сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун кўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада кайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб ракамида бу ҳакида тегишли белги қўйилади.

Корхона ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибида амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи микдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоизи микдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий микдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия микдоридан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорида тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнода ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчини қуидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноконуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларга ташқаридан аралашибганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун хужжатларида белгиланган тартибида Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳакининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқка қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник холатини таъминлаш бўйи эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўргаси, тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинадиган улуш мутаносиб равишда ҳақ тўлади.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари куйидаги холатларда майший (ахоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий корхона турар жойдан бир вактнинг ўзида унда истиқомат килган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун майший (ахоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштириша ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига кўра худуддаги диний ташкилотлар Энергия учун майший (ахоли) тарифи бўйича ҳақ тўладилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

- даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиги муддати тугаганда;
- навбатдан ташқари қиёслаш –ҳисобга олиш приборига зарап етказилганда, пломбаси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;
- эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созлиги, унинг фойдаланишига яроклилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив хужжатлари талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини очиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибида амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиги тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Корхона ташаббуси билан ёки бошқа ваколатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Корхона томонидан тўланади.

#### IV. Томонларнинг хукуқ ва мужбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги хукукларга эга:

- ўз электр курилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибида улаш;
- сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;
- электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибида ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиласидаган энергия ҳажмларининг ўзгарилиши тўғрисида белгиланган тартибида таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини

ўзгаришиш бўйича тақлиф мўлжалланаштган ўзгаришишдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Корхона тақдим этиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказиб зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани қонун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблаги қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини саклаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси коидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва “Ўзэнергоинспекцияси” кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнода янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишида, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан куйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол килинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги микдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган куввати 250 кВа ва ундан ортиқ бўлган истеъмолчилар куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиши- умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни

ишлиб чикаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурухлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишилаб чикариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишилаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш максадида (маҳсулот ишилаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни хисобга олган холда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишилар) бирлигига Энергия сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишилаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун хужожатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 4.3. Корхона қўйидаги ҳуқукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги заарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Корхонани хабардор килган холда, Истеъмолчини электр тармоғидан узуб қўйиш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНҲАТга уланган ёки Энергияга олдиндан ҳак тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона конунчиликка мувофик бошқа ҳуқукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қўйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўгрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўгрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўгрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўгрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиши, шунингдек Корхона билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганилиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармокларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоклар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Корхона Истеъмолчини Корхона кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиг бўлмайдиган табиий оғатлар ҳамда фавқулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишининг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал қилинади.

## VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 Декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган

хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўгрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

6.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекситон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ҳамда Бошқа амалдаги норматив-хукукий хужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

#### **VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

Истеъмолчи: Янги Намангандумани Халқ таълими бўлими

Юридик манзили Афросиёб кўчаси № 25-В-уй

Почта манзили 160 000

Ҳисоб рақами 100022860144017092100075141

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 308618734

Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами: № 1/1457

МФЙ номи: Оби ҳаёт МФЙ

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун

Бюджет фондининг ҳисоб рақами: 23402000300100001010

Банк коди (МФО): 00014 (ИНН): 201122919

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами:

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

Телефонлар: 998911836677 Факс: 998911836677

Статистик кодлар:

ОКОНХ 84112

СООГУ 01018

СОАТО 1714401

КФС 213

КОПФ 2100

ОКПО 02155586

Корхона: “Намангандуманни ҲЭТК” АЖ

Ҳисоб рақами 2263 6000 600 5100 58395

Банк коди (МФО): 00224 (ИНН): 200048685

Телефонлар: 69-228-79-04 Факс: 69-227-86-32

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ) 01013

МИОБТ (СОАТО) 1714401

Корхона вакили

Истеъмолчи



С.Рустамов



К.Маматалиев

**ЮРИДИК ХУЛОСА:**

D. Paxtimov Мазкур электр таъминоти шартномаси Хомийидой юристконсульт  
ЭТК номи Ф.И.О.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари” талабларига мувофик тузилган. Шартнома мазмунни (шарти, томонлар жавобгарлигининг меъёри ва низоларни ҳал қилиш тартиби) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига мос келади.

Юристконсульт: Хомийидой

*электр таъминоти  
шартномасига I - илова*

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гурухи: II
2. Фаолият тури: Халқ таълими бўлими мактаблар
3. “Истеъмолчи” электр курилмаларининг уланган куввати: \_\_\_\_\_ кВА(кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват \_\_\_\_\_ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) III
6. Ҳисоб-китоб тури: 1-ставка

тариф тури: табакалаштирилган ,

бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ўз.Р.ВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юритадиган истеъмолчилар (кераклиги ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича		
январ	393776	177199200		
Феврал	172888	77799600		
Март	132000	59400000		
Апрел	88888	39999600		
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				

Ташкилот кунига ишлайди 8 соат, ойга 26 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_

Корхона вакили

Наманганд шаҳар ХЭТК

Рахбари: С.Рустамов  
М.У (Избо, Ф.И.Ш., сана)



Истеъмолчи

Янги Наманганд тумани Халқ  
таълими бўлими  
Рахбар: Р.Атамирзаев  
М.У (Избо, Ф.И.Ш., сана)



'Электр таъминоти  
 шартномасига 2 - илова  
**Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари**

<b>"Истеъмолчи"нин</b> г (суб"Истеъмолчи" нинг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибо ри ракам и	Хисобга олиш прибори клемма копқогидаг и пломбанин г раками	Ўлчов трансформа тор-ларининг трансформа ция коэффициен ти		Хисоб- китоб коэффициенти	Хисобга олиш прибори нинг Шар тнома тузилган кундаги кўрсатки члари хисоблаг ич кўрсатки чи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
				Корхона-нинг	Бюро-нинг			
1004 кв								450

**Имзолар:**

Корхона вакили

**Наманган шаҳар ҲЭТК**

**Рахбари:**

C.Рустамов

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



**Истеъмолчи**

**Янги Наманган тумани  
Халиқ таълими бўлими**

**Рахбар:**

K.Маматалиев

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)



электр таъминоти  
шартномасига З - илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ

2022 йил \_\_\_\_\_-оий бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 йил.

Уланган жой номи, хисобга олиш приборини нг завод раками, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Хисобга олиш прибори курсаткичларини нг фарки		Сарфи, кВт.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.			
	ток трансформатори нинг (ТТ ток трансформатори нинг (ТТ	кучла-ниш транс-форматорини нг (КТ)	уму-мий	бошланич	охирги			Эртабабкитифизвакт	Кун	Кечкитифи з вакт	Тун	
								соат 6-9	Соат 17-22	соат 22-24	соат 0-6	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
жами												

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган хисоб учун назорат раками гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13 гр 8= гр 7\*гр 4

Истемолчи раҳбари

Ф.И.Ш.

М.ў.

Бош энергетик



Корхона таввали

Ф.И.Ш.



электр таъминоти шартномасига  
4 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуидаги электр қурилмалар мавжуд:
- хаво линиялари
- 
- 
- 

б) кабель линиялари АОВ 3x50+1x15 мм с

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси ТП- нингг 04 кв сост шинасига уланган кабел учидан

3. Улардан қуидагиларга:

- бор \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,
- йўқ \_\_\_\_\_ Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходим-лари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуидагича белгиланди: Истеъмолчи жавобгар

**Вакиллар:**

Истеъмолчи

М.Ў.



(имзо)

(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

электр таъминоти шартномасига 5  
- иловга

**Энергияни йўқолишларини аниклаш бўйича**

**ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган холда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми хисоблаш йўли билан аникланади ва куйидагиларга хисобланади:

a) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

б) Истемолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси 50 мм<sup>2</sup>;

Русуми АВВТ;

Кучланиши 04 кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истемолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши 0,4 кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истемолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истемолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аникланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган майший истемолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш приборларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истемолига каратилади

Имзолар:



Истемолчи:

М. Ў. (Имзо)



Корхона:

электр таъминоти шартномасига  
6 - илова

### Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

#### 1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

T/p №	Компенсация курилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечкүрун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган кувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

*ИЗОҲ: авторејисимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар  
уланиши ваҳтларини тўлдириши шарт эмас.*

## Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиккан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истемол килинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиккан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истемолчи томонидан қўллаб-кувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади,

шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирганилиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўззенергоинспекцияси”нинг тасдиклови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи хисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:

М.Ў.



(ИМЗО)

Корхона:

М.Ў.



электр таъминоти  
шартномасига 7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг \_\_\_\_\_ иштироқида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли кувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи куйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот шилаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш боскичлари:

I боскич \_\_\_\_\_ кВт

II боскич \_\_\_\_\_ кВт

III боскич \_\_\_\_\_ кВт

IV боскич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

- \* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситии тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш ёритгичлари юкланиши остида қолдирилади.
- б) Ёнгина қарши захира насослар ва боиқа ёнгина қарши агрегатлар авария бронига кирмайди (уибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).


**Имзолар:**



Истеъмолчи:

M. Ў. (Имзо)

**Корхона:**



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ UP41108454

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:**

"Namangan Xududiy elektr tarmoqlari korxonasi" aksiyadorlik jamiyati va Yangi Namangan tumani Xalq ta'limi bo'limi o'rtaqidagi elektr energiyasini ulangan tarmoq orqali yetkazib berish to'g'risidagi shartnomasi.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Yangi Namangan tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 17-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



K.Gaipova

2021-yil 18-yanvar

Илөө

2022 йил " 19 " январь ойидаги № 15604424 ШАРТНОМА

2022 йил учун

**Яңги Наманган туман Халк таълими бўлими ва Яңги Наманган Тумани «Истиқбол» ЭТК ўртасида**

Хизмат тури					
Ойнап	Микдори	Суммаси	Ойнап	Микдори	Суммаси
Январь	172 888	77 799 600	Июль	0	0
Февраль	132 000	59 400 000	Август	0	0
Март	88 888	39 999 600	Сентябрь	0	0
I-чорак	393 776	<b>177 199 200</b>	III-чорак	0	0
Апрель	0	0	Октябрь	0	0
Май	0	0	Ноябрь	0	0
Июнь	0	0	Декабрь	0	0
II-чорак	0	0	IV-чорак	0	0
<b>Иттлик</b>				<b>393 776</b>	<b>177 199 200</b>
Индексация					

Хизмат курсатувчи:

С.Рустамов

Истемолчи:

К.Маматалиев

